

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

(Таъмирлаш ишларини амалга ошириш хакида)

Маргилон шахар

Маргилон банк исчошке техникауси

номидан раҳбари К.Ишанов бир томондан ва «DIZAYN INVEST TA'MIR-QURILISH » MCHJ

«2» Од 2022 йил.

кейнги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи  
номидан раҳбари К.Ишанов бир томондан ва «DIZAYN INVEST TA'MIR-QURILISH » MCHJ  
кейнги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи номидан раҳбар У.Камолов иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар:

## 1.Шартнома предмети

1.1. Пудратчи уз зиммасига буюртмачининг топширигига асосан Маргилон банк исчошке техникауси билосине жорий таъмирлаш ишларини бажаришни «DIZAYN INVEST TA'MIR-QURILISH » MCHJ уз зиммасига олади хамда амалдаги курилиш меъёр ва коидалари буйича сифатли иш бажаради.

## 2.Шартнома баҳоси

2.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган жорий таъмирлаш ишлари киймати лойиха-смета хужжатларига асосан барча соликлар, ККС йигимлар ва ажратмадарни уз ичига олган холда 488613833 (Журт юз саккоз саккоз шашон оғиз юз чишира уз шине саккоз юз ұттиз үз) сумни ташкил этади, шундан ККС йигими 63733347 (Оғизиң үз шашон етти юз ұтқуз үз шине беш юз жыл етти) сум 00 тийин.

2.2. Зарурый асослар мавжуд булганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи» нинг келишувига асосан мазкур шартномага кушимча битим расмийлаштириши мумкин.

## 3.Тулов шартлари

3.1. Бажариладиган ишлар кийматини 30 % микдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи хисоб ракамига хак утказиб берилади. Кейин 70 % хисоб-китоблар хакиқатда бажарилган ишлар хажмига караб, аванс маблагларини хисобга олган холда амалга оширилади.

3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли курилиш меъёрларига риоя килган холда Ф-2 далолатномаси асосида кабул килиб олинади.

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун хисоб-китоб хар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний хисоб китоб иши тулик тамомлангандан кейин, (бунга ишни кабул килиб олиш жараёнида аникланган камчиликларни бартараф килишни хам кушиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни буюртмачи ишончли вакили томонидан кабул килиб олинмаса, бажарилган ишга хак туланмайди.

## 4.Мажбуриятларни бажариш муддатлари

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1 булимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради.

## 5. Тарафларнинг мажбуриятлари

### 5.1. Пудратчи:

5.1.1. Уз ишчи кучи ва техника воситалари билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тута хажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатида ишларни Буюртмачига 45 кунда топширилиши уз зимасига олади.

5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни кабул килиш, тушириш таҳлаш хамда саклашни амалга ошириш.

5.1.3. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тугрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш:

5.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни куриклаш бўйича зарурый чора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.

### 5.2. Буюртмачи:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган хажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши.

5.2.2. Ушбу шартноманинг биринчи булимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланган микдорда ва муддатда Пудратчига хак тулаш шарт.

5.2.3. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичидаги объектни кабул килиши шарт.

5.2.4. Объект бинонинг ичкари кисмида жойлашган булса куриклаш учун буюртмачи томонидан объектни куриклаш учун масъул ходим биректирилиши лозим.

5.2.5. Бажарилган ишларда камчилик ва нуксонлар аникланган такдирда «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва 10 кун муддатда «Пудратчига»га хабар юборилади. «Пудратчи» томонидан ушбу аникланган камчилик ва нуксонлар уз маблаги ва уз кучи билан 10 кун давомида бартараф этилади.

## 6.Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари маҳсус комиссия томонидан кабул килингандан бошлаб 6 ойгача хакни тутаб бермаса кечикирилган хар бир кун учун 0,4% пеня тулайди.

6.2. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечикирилган хар бир кун учун 0,5% пеня тулайди.

6.3. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50% ошмаслиги лозим.

## 7. Форс-можор холатлари

7.1 Тарафларнинг бирортаси хам бошка тарафнинг олдида ушбу шартнома буйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдидан кура билиши ёки бартараф этиши мумкин булмаган ва хатолар унга кушиб уриш эълон килиниши ёки амалда бошланганлиги фукаролик тартибсизлиги, вабо таркалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёнгин ва бошка табиий оғатлар билан bogлик холда бажармаганликлари учун жавобгар булмайди.

7.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Узбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид карорлари ёки ва бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги булиб хисобланади.

7.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир курсатиши ёки монейлик килиши тугрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

8.

## 8. Низоларни хал килиш тартиби

8.1. Тарафлар уртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан bogлик пайдо буладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар уртасида музокара йули билан хал килинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йули билан хал килиб булмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик судида курилишига тегишли булади.

## 9. Шартномага кушимча ва узгартеришлар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага хар кандай киритилган кушимча ва узгартеришлар ёзма равиша расмийлаштирилиб хар икала тараф имзолаган холларда хакикий кучга эга булади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Узбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекс ива конун хужжатларида назарда тутилган асослар буйича етказилган заарларни коплаш йули билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

Пудратчининг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом булиш муддати 1 ойдан купга ошиб кетганда: Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада курсатилган ишларни сифати пасайганда;

9.4. Пудратчи куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

Буюртмачи томонидан Пудратчига bogлик булмаган сабаблар буйича курилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тухтатиб турганда: Буюртмачи томонидан кейинчалик куришни молиялаш имконияти йуколганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги карори буйича шартнома бекор килинганда Буюртмачига тугатилмаган курилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аникланган бажарилган ишларнинг хажми кийматини тулайди.

9.6. Шартномани бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 10. Бошка шартлар

10.1. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилди ва хар бир томонда бир нусхадан сакланади.

### 11. Шартноманинг амал килиш муддати

2022 йилгача хакикий деб хисобланади.

### 12. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

«Пудратчи»	«Буюртмачи»
«DIZAYN INVEST TA’MIR-QURILISH » MCHJ	“Маргилон банк молия техникими”
Манзил: Тошлок тумани, Якка тут мфй	Манзил: Эшонгузар 123 “А” уй
Тел: 94-551-45-55	Тел: 254-15-40
x/v: 2020 8000 0004 5044 4001	x/v: 400110860304127092902079002
Фаргона чет эл капитали иштрокидаги «HAMKORBANK» АТБ Истибод филиали	Банк номи: Тошкент XXKM Молия Вазирлигига Газначилик Х/р: 23402800300100001010 ИНН: 201122919
МФО 00965 СТНР: 303265009	МФО: 00014 СТНР: 200140232
ОКОНХ: 61110	Х/р:
Рахбар: У.Камолов	Рахбар: К.Ишанов

### Хукуқшунос хуласаси

Мазкур шартномада курсатилган муносабатлар Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукни баъзи тугрисида»ги Конуни ва Фукаролик кодекси билан тартибга солинади хамда шартномада назарда тутилган тарафларини жавобгарлиги ва низоларни хамитиш тартиби юкорида зикр этилган конунчилик талабларига мос келади ва ушбу шартнома лойихасини имзоласа булади.



Сардор Усмонов